

ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

Худайкулов Хол Жумаевич

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий унверситети “Педагогика ва умумий психология” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори

Эргашева Раъно Аҳадовна

Бухоро вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази.

”Тилларни ўқитиш методикаси” кафедрасининг катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7271988>

Аннотация. Ушбу мақолада тилларни ўқитишнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларига тўхталиб, унда инсон нутқида, тил ўқитиши, тил ва тафаккур ўзаро ажралмас ва бир бутунлиги кўрсатилган. Миллатнинг фаолияти энг аввало унинг тилида намоён бўлади. Тилнинг ривожини, бойишини, бошиқа тиллар орасида тутган ўрни, мавқеини шу тилда сўзлашувчи аҳолининг умумий аҳволи-руҳиятига ва кўрсатаётган фаолияти мазмуни ва даражасига боғлиқ бўлади. Бунда тил ўқитишнинг фан-техника революциясини, саннат ривожини ва умуман жамият тараққиётини жадаллаштириши ишларини миллий-маданий қадриятларни кенг ривожлантириши, жамиятни демократиялаш ва инсонпарварлаштириши тадбирлари билан биргаликда қўшиб олиб бориши лозим эканлиги ва бу борада изчил ҳамда узоқни кўзловчи, истиқбол режалари ва қатъий давлат дастурлари зарурлиги тўғрисида фикрлар баён этилган.

Калим сўзлар: Ўқитиши, тил қоидалари, маънавий-ахлоқий, нутқида, тил ўқитиши, тил ва тафаккур, тилнинг ривожини, бойишини, бошиқа тиллар орасида тутган ўрни, миллий-маданий қадриятлар, ривожлантириши, жамиятни демократиялаш, инсонпарварлаштириши тадбирлари.

ДУХОВНО-ЭТИЧЕСКАЯ ОСНОВА ОБУЧЕНИЯ ЯЗЫКАМ

Аннотация. Данная статья посвящена духовно-нравственным аспектам обучения языку, показывает, что в человеческой речи обучение языку, язык и мышление взаимно неразделимы и интегрированы. Деятельность нации в первую очередь отражается в ее языке. Развитие, обогащение языка, его место и положение среди других языков зависят от общего настроения населения, говорящего на этом языке, содержания и уровня их деятельности. В связи с этим необходимо сочетать научно-техническую революцию преподавания языков, развитие каноата и развитие общества в целом с широким развитием национально-культурных ценностей, демократизацией и гуманизацией общества, и в связи с этим, последовательный и дальновидный, перспективный план и твердое состояние. Высказаны мнения о необходимости программ.

Ключевые слова: преподавание, языковые правила, духовно-нравственное, речь, обучение языку, язык и мышление, развитие языка, обогащение, его место среди других языков, национально-культурные ценности, развитие, демократизация общества, гуманизационная деятельность.

MORAL AND MORAL FOUNDATIONS OF LANGUAGE TEACHING

Abstract. This article focuses on the spiritual and moral aspects of language teaching, it shows that in human speech, language teaching, language and thinking are mutually inseparable and integrated. The activity of a nation is first of all reflected in its language. The development, enrichment of a language, its place and position among other languages depends on the general state of mind of the population that speaks this language and the content and level of their

activities. In this regard, it is necessary to combine the science and technology revolution of language teaching, the development of canoat and the development of society in general with the broad development of national and cultural values, democratization and humanization of society, and in this regard, a consistent and far-sighted, forward-looking plan and firm state. The opinions on the necessity of programs are expressed.

Key words: Teaching, language rules, spiritual and moral, speech, language teaching, language and thinking, language development, enrichment, its place among other languages, national-cultural values, development, democratization of society, humanization activities.

КИРИШ

Янги Ўзбекистон бугунги ўз тарақиётида тилига садоқатлик фазилатларни шакллантириш ва унинг қондаларига амал қилиш орқали, тилларни ўқитишнинг маънавий-ахлоқий асослари ёшларга ўргатиб борилмоқда.

Мақоланинг **кириш қисмида** тил таълимининг моҳиятига кўра юксак маънавий-ахлоқий фаолият эканлиги очиб беришга ҳаракат қиладилар. Тил билимларини мукаммал эгалламаган, у ёки бу тилнинг мавжуд имкониятларидан тўла фойдалана олмайдиган, муайян сўз бойлигига эга бўлмаган шахсни ҳар томонлама уйғун ривожланган комил инсон деб бўлмайди. Хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма нутқи камбағал, тили ғариб киши мутафаккир бўла олмайди, чуқур ва атрофлича кенг фикрлай олмайди, нарса ва ҳодисалар ҳақида ва хатто ўз ҳис-туйғулари ҳақида ҳам тўғри мулоҳаза юрита олмайди. Қайси бир илм-фан, фаолият соҳаси бўлмасин – математиками, физика ё кимёми, рассомчилик, муҳандислик ва ҳоказо – ҳаммасида тилнинг бевосита иштироки бор. Зеро, тил ва тафаккур ўзаро ажралмас ва бир бутундир. Тилсиз, фикрсиз инсон фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди.

Шунинг учун мақоланинг **назарий жиҳатларига тўхталар** эканмиз, ҳам тил бойликларини авайлаб асрашга, уни кенг ёйишга, турмушда фойдаланишга, бошқа тиллар билан алоқаларини ривожлантиришга, хуллас тилнинг шахслараро ва ижтимоий алоқа во-ситаси ҳамда аниқ фаолият сифатидаги вазифаларини тўла-тўқис бажариш имкониятларини яратишга қаратилган хатти-ҳаракатлар миллат тараққиётини таъминлашга йўналтирилган фаолият тарзида баҳоланиши очиб беришга ҳаракат қилинган.

Жонли табиатга хос бўлган – яшаш учун кураш, рақобат жонли тилларга ҳам хос хусусиятдир. Халқаро алоқаларнинг кенгайиб ва мустаҳкамлана бориши тиллар орасидаги алоқа ва муносабатларнинг ҳам кенгайиши ва такомиллашувига олиб келади. Тилларнинг ўзаро алоқаларда бир-бирини бойитиш орқали эркин тараққий этиш табиати уларнинг дунё тиллари оиласида ўз мавқеларини мустаҳкамлаб боришини ҳам таъминлайди. Бу эса муомалада тилнинг эркин қўлланилишини таъминлаши, ўзига хос ички табиати ва имкониятларига, бойиш, ривожланиш қоида ва қонуниятларига алоҳида эътибор беришни тақозо этади. Тил ўзлигини, муомалада эркинлиги ва мустақиллигини сақлаб қола олгандагина ва муттасил такомиллашувини таъминлайдиган ўз ички имкониятларини тўла намоён қила олгандагина бошқа тиллар билан алоқага киришганда ўз миллий қиёфасини ва хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда ҳам ўзини, ҳам ўзга тилларни бойита олади.

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлат тилига берилган юқори мақом, кенг

имкониятлар унинг қардош ва бошқа тиллар билан бўй-бўйлашув, ўзаро бир-бирини бойитув каби жараёнларнинг содир бўлишини таъмин этди. Мақоланинг **амалий жиҳатларига тўхталиб**, миллий тилнинг қадр-қиммати, аҳамияти фақат унда сўзлашувчилар орасидагина эмас, балки бошқа тилда сўзлашувчилар орасида ҳам ошди, муносиб тақдирланадиган бўлди.

Қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги қонун миллий тилимизнинг қадр-қимматини оширадиган, халқ ҳаётининг барча тармоқларида кенг қўлланилишини ҳамда юксак мақоми, истиқболи ва ривожини таъминлайдиган ва қафолатлайдиган муҳим ҳужжат бўлди. У адабий тилимизнинг ўз тарихий ва табиий-миллий манбаларидан озиқланиб ҳамда жаҳон тиллари билан алоқада бойиб, тараққий этиб бориши учун кенг майдон очиб берди. Эндиги вазифа унинг чинакам фаол ҳаётини таъмин этишдадир. Чунки, тил, аввало, фаолиятдир. Миллатнинг фаолияти энг аввало унинг тилида намоён бўлади. Тилнинг ривожини, бойиши, бошқа тиллар орасида тутган ўрни, мавқеи шу тилда сўзлашувчи аҳолининг умумий аҳволи-руҳиятига ва кўрсатаётган фаолияти мазмуни ва даражасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам тил биринчи галда халқнинг муайян фаолияти тарзида моддийлашади ва анланган ўзлик, бир бутун дунёқараш сифатида тараққий этади.

Мустақил жумҳуриятимиз халқ хўжалигининг турли тармоқлари бўйича ўз касбининг моҳир усталари ва ҳақиқий фидойилари бўлган етук мутахассисларга ҳар томонлама билимдон омилкорларга муҳтож. Бироқ, бугунги кунда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, унинг равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга бел боғлаган том маънодаги баркамол, етук мутахассис бўлиш учун танланган касб-кор, ихтисослик таълиминигина чуқур ва пухта эгаллашнинг ўзи кифоя қилмайди. Айни вақтда мутахассиснинг маънавий-ахлоқий фазилатларининг шаклланишини, унинг умуммаданий ва касб маданиятига доир фазилатлари ҳам такомиллашувини таъмин этадиган ижтимоий-гуманитар билимларни ҳам етарлича ўзлаштириш, маданиятни ўз онги ва дунёқарашининг ажралмас белгисига айлантира олиши муҳимдир.

Иттифоқ тизимида халқ хўжалигининг барча тармоқларида эришилган улкан муваффақиятларни, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётни камситмаган ҳолда яна шуни таъкидлаш лозимки, совет даври олий ва ўрта махсус таълимининг асосий камчиликларидан бири ҳам бўлажак мутахассиснинг умумий ва ихтисослик маданиятини шакллантириш ва такомиллаштириш тадбирларига ҳам эътибор берилганлигидадир. У даврларда юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, асосан уларнинг ихтисослик малакаларига ҳамда сиёсий-мафкуравий билимларни ўзлаштиришига катта эътибор берилдики, натижада инсондаги оддий инсонийлик ва одамийлик, маънавий маданият, миллийлик каби фазилатлар ўрнини ҳам кўпроқ технократик тушунчалар ва техник сифатлар, сиёсий-мафкуравий мутаасиблик, айрим халқ ва миллатларнинг ўзига хос сифат ва фазилатларини, урф-одат ва бошқа қадриятларини рад этувчи байналминаллик ниқоби остидаги космополитизм эгаллади. Нафис туйғулар дағаллашди. меҳр-оқибат, иймон-этикод сусайиб, шахс ўзининг инсоний қиёфасидан бегоналашиб, ҳақиқатан ҳам “давлат” деб аталган муаззам “машинанинг бир винти”га айлана бошлади. “винт”дан эса қанақа ҳам масъулият ва айниқса бунинг устига қандай маданият ва маънавият талаб қилиш мумкин эди. ҳеч қанақа! Шунинг учун ҳам совет ишчи-хизматчисининг, мутахассисининг кўпчилигига хос бўлган ва жамият ҳаётининг ҳар жабҳасида бўртиб

кўриниб турадиган турли-туман салбий хусусиятлар тобора авж олиб ривожлана бошлади.

Собиқ совет жамияти тараққиётида содир бўлган бундай салбий ҳодисаларнинг асосий сабабларидан бири – ғарб цивилизациясига, айниқса унинг фан-техника ва саноат тараққиётига кўр-кўрона эргашиш, миллий-маданий анъаналарни, кадриятларни – менсимаслик, уларнинг жамият ривожига муҳим ўрни ва аҳамиятига тегишли эътибор бермаслик, маҳаллий имкониятлар ва эҳтиёжларни ҳисобга олмаслик, жамият тараққиётига юзаки ва бир томонлама қараш каби хато-камчиликлар натижаси бўлди. Оқибатда, маънавий таназзул туфайли бу улкан “машина” чилпарчин бўлди, ҳалокатга учради.

Ҳолбуки, фан-техника революциясини, саноат ривожини ва умуман жамият тараққиётини жадаллаштириш ишларини миллий-маданий кадриятларни кенг ривожлантириш, жамиятни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш тадбирлари билан биргаликда кўшиб олиб бориш лозим эканлиги ва бу борада изчил ҳамда узокни кўзловчи, истиқбол режалари ва қатъий давлат дастурлари зарурлиги тўғрисида, ўз вақтида эса фойда изидан қувиб бундай ижтимоий муҳим тадбирларга тегишли аҳамият берилмаганлиги хусусида ғарб олимлари, социологлари ва психологлари бугунги кунда чуқур таассуф ва ташвиш билан гапирмоқдалар. Таниқли америкалик олим Поль С. Брэгг шундай ёзади: “Америкалик ўсмирлар – бизнинг миллатимиздаги энг асабийлашган махлуқлардир. Ёшларнинг асаблари шунчалар носоз қақшайдики, уни жонлантириш учун жуда баланд сершовқин мусиқа талаб қилинади. Баъзилар асабини “қамчилаш” учун ўзи билан магнитофон кўтариб юришади. Улар шу даражада асабийлашганки, телефонда гаплашсалар суҳбатни бирданига тўхтатолмайдилар... Америкаликлар – асабий кишилар миллати... Бизнинг руҳий касалхоналаримиз тўлиб-тошиб кетди. Мамлакат касалхоналарида ўрин-жойларнинг ярми асаб бузилишлари дардига чалинганлар билан банд. Биз аянчли аҳволдамыз” [8,6]

Жамият тараққиётини жадаллаштириш, фан-техника-саноат ривожини орқали халқнинг турмуш даражасини кўтаришни мақсад қилган ҳар бир давлат ўз вақтида ғарб мамлакатлари бошдан кечирган бундай аҳволни доимо диққат-эътиборда тутиши керак бўлади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Республикамызда олий таълим тизимида ижтимоий-гуманитар таълим мавқеи, салмоғи, сифати ва самарадорлигини ошириш – уни том маънодаги баркамол ишонни тарбиялаб етиштиришнинг муҳим воситасига айлантириш назарда тутилмоқда. Бу борада узокни кўзловчи ва истиқболли қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги фармони, бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалигининг барча тармоқларида туб ислохотларни амалга оширишнинг биринчи омили бўлган инсон шахсини такомиллаштириш, аҳоли маънавияти ва маданиятини янада юксалтиришга қаратилган муҳим тадбирлардир. [5,64]

Таълим жараёнларини инсонпарварлаштиришга қаратилган ва бугунги кунда аниқ мақсад ва вазифаларни назарда тутаётган янги таълим концепцияси ёки таълимнинг миллий дастури мустақил республикамызда умуман жамиятни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришга қаратилган кенг миқёсли тадбирларнинг ажралмас бир қисмидир.

Тил таълимини инсонпарварлаштириш умуман таълимни гуманитарлаштириш йўлидаги дастлабки қадамлардан бўлиб, бу борада республика олий таълим тизимида турли йўналишларда қатор ишлар амалга оширилмоқда ва муҳим тадбирлар режалаштирилмоқда:

Биринчидан, барча олий ўқув юртларида бевосита ихтисосликка оид фанларни ўқитишда уларнинг инсонпарварлик қирраларини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор бериш назарда тутилмоқда. Масалан, кимё, физика, биологияни ўқитишда уларнинг ихтисослик фани сифатидаги хусусиятларидан ташқари гуманитар фазилатларига, табиат ва инсон уйғунлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятларини очиб кўрсатишга, экологик маданиятни тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор берилади. Энг муҳими, бундай табиий ва шунингдек аниқ ва техника фанлари, аксарият, рус тилидаги манбалар воситасида ва рус тилида ўқитилиб келган бўлса, эндиликда талаба-ўқувчилар бу фанларни ўз она тилларида ўқийдилар, давлат тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларига эга бўладилар. Таълим-тарбия жараёнларида ҳар бир талабага ўзига хос ёндошишга эришиш, уларнинг маънавий-психологик ва бошқа сифатларини ҳисобга олиш тадбирлари кўрилмоқда, таълим билан тарбияни барча ўқув юртларида ва барча фанларни ўқитиш жараёнларида ўзаро чамбарчас боғлиқликда, изчил ва мунтазам равишда олиб боришни йўлга қўйиш ишлари тобора яхшиланмоқда. Талабалар билимларини назорат қилиш ва баҳолашда тест ҳамда рейтинг тизимларидан изчил фойдаланишнинг объектив-гуманистик восита эканлиги талабалар орасида ҳам, педагог-ўқитувчилар орасида ҳам тобора уйғун муносабатларнинг шаклланишига олиб келмоқда.

Иккинчидан, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг умумий манзарасида яна шу нарса ҳам кўзга аниқ ташланмоқдаки, ўқув юртларида талаба шахси шаклланидиган муҳитни инсонпарварлаштириш бўйича аниқ тадбирлар кўрилмоқда ёки режалаштирилмоқда. Буни аниқроқ тасаввур этиш учун бундан ўн йиллар аввалги олий ўқув юрти билан унинг бугунги қиёфасини таққослаб кўриш kifоя.

Ўқув юртининг моддий-техник ва мутахассис ходимлар базасидаги ўзгаришлар, талабалар контингенти, маънавий-руҳий муҳит, ўқув жараёнларини ташкил этишнинг техникавий ва сифат даражаси, таълим-тарбиянинг самарадорлик коэффициенти, профессор-ўқитувчилар билан талаба-ўқувчилар орасидаги муносабатларнинг тобора демократлаша бориши, юксак инсонпарварлик тамойиллари асосига қурила бориши – булар ҳаммаси бўлажак мутахассисларнинг ўзлари танлаган ихтисосликлари бўйича етук мутахассис бўлиб чиқишини таъминлаш билан бирга, уларнинг юксак маънавий фазилатларга эга бўлган, касб маданиятини ҳам чуқур эгаллаган комил инсонлар бўлиб шаклланишини ҳам таъминлайдиган зарур шароитдир.

Учинчидан, республикамизнинг барча ўқув юртларида турли ихтисосликларга оид фанлар қатори ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар фанларнинг мавқеини янада кўтариш, соатлар миқдорини кўпайтириш ва кенгайтириш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини жиддий ошириш; назорат шакллариини такомиллаштириш бўйича қатор амалий ишлар қилинди. Ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар туркумга оид фанлар таркиби, соатлари нисбати, ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилди ва замон талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган миллий мутахассислар тайёрлаш учун муайян шарт-шароитлар яратиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг ҳажми ва сифатини оширишдан асосий мақсад – бўлажак мутахассиснинг умумий билимларини ҳам ошириш миллий ва умуминсоний кадриятларни чуқур ва кенг ўрганиши, ўзлаштириши орқали унинг умуммаданий савиясини кўтариш, рухий, маънавий-ахлоқий сифат ва фазилатларини такомиллаштириш, шахс ва инсон сифатида шаклланишига ёрдам беришдан иборатдир. бўлажак мутахассиснинг ўз ихтисослиги доирасида ўралашиб қолган тор амалиётчидан кенг ва мустақил фикрловчи, ижодкор, мутафаккир ва шу билан бирга ҳар томонлама уйғун ривожланган комил инсон бўлиб етишишига эришишдир.

Тўртинчидан, таълимнинг қайси соҳаларида бўлсин талабага касб-ҳунар малакасини, ихтисослик бўйича тегишли билимларни бериш билан бирга, уларнинг албатта давлат тилини пухта эгаллашига, чет тилларни яхши билишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. бунинг учун тил таълимининг янги концепциясини ишлаб чиқиш, тил ўқитиш материалларини инсонпарварлик нуқтаи назаридан қайта кўриб такомиллаштириш, миллий ва умуминсоний кадриятлар билан бойитиш тадбирлари кўрилкоқда. Турли миллат вакиллари билан иборат талабалар орасида ўзаро дўстона муносабатларни шакллантиришда тилларнинг ўзаро яқинлиги, қон-қардошлиги, бир-бирини бойитиш тамойилларидан фойдаланиш, халқлар ва миллатлараро алоқаларнинг умумбашарий ва инсонпарварлик моҳиятини улар онгига чуқур сингдиришга эътибор бериш назарда тутилмоқда. Айниқса техника, табиий фан соҳасидаги ўқув юртларида тил таълимини талабалар ихтисослигига мослаштириб олиб бориш, шунингдек давлат тилини, она тили ва хорижий тиллари яхши билишнинг ихтисосликни кенг ва чуқур эгаллашдаги катта имкониятларини очиб кўрсатишга, талаба-ёшларда тил ўрганишга қизиқиш, зарурат уйғотишга аҳамият берилмоқда.

Бошқа миллат вакиллари учун давлат тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда талабаларнинг она тили материалларига мурожаат этиб, тилларнинг параллел имкониятларини қиёсий-таҳлилий ўргатиш тобора кенг йўлга қўйилмоқда. Барча ўқув юртларида бошқа миллат вакилларида давлат тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда тил таълимининг чет элларда амалда бўлган замонавий, тезкор ва самарали усулларини тобора кенг жорий этиш чора-тадбирлари кўрилкоқда, тил таълимининг барча соҳаларида илғор тажрибаларни тобора кенг ёйишнинг турли усуллари билан фойдаланилмоқда. Талабанинг оғзаки ва ёзма нутқи малакаларини оширишда, сўз бойлигини шакллантиришда маънавий-ахлоқий, маданий-эстетик гуманизм билан, шунингдек касб маданияти билан боғлиқ сўзлар, атамалар ва иборалар бўлишига эришиш, талабанинг нутқ маданиятини ўстиришга алоҳида аҳамият бериш назарда тутилмоқда.

МУҲОКАМА

Тил таълимида талабаларга ўқитувчининг хоҳиш-иродасини ва ҳатто фикрларини, билимларини ҳам мажбуран ўтказиш йўлидан бориш эмас, балки уларнинг ўз ирода ва фикр-туйғуларини ишга солишни, ўйлаш-фикрлашга, мустақил ишлашга рағбатлантиришни, руҳлантириш ва илҳомлантиришни назарда тутиш йўллари ва усулларини қўллашни кенг жорий этишга эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, тил таълимида турли билимлар, маърифат, маънавият ва юксак маданият бирлиги ва уйғунлигидан унумли фойдаланишга, бунда ўқитувчи, педагог ва мураббийнинг шахсий намуна кўрсатиш имкониятларига алоҳида эътибор беришнинг самарадорлигига таяниш кун тартибига қўйилиб, бу масалада ўқув юртларидаги маънавият ва маърифат мар-

казларининг фаолиятини жонлантиришга эътибор берилмоқда. Тил таълимида социологик муаммоларнинг ўрнини эътиборга олиш, тилни ўқитишда унинг тарбиявий аҳамиятини кучайтириш масалалари замонавий педагогиканинг ва мустақил Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг асосий талабларидан бирига айланмоқда.

Тил таълимини гуманизациялашда ижтимоий-гуманитар билимларнинг ўрни ва мавқеининг устуворлиги ҳамда устунлигини талабаларга англатиш, қайси ихтисослик бўлишидан қатъи назар барча талабаларда ижтимоий-гуманитар фанларга қизиқиш ва ўрганишга чуқур эътиёж туйғуларини уйғотиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда талабаларнинг дарсдан ташқари вақтларидан самарали фойдаланишишни ташкил этиш, кутубхоналарда, қироатхоналарда, музейларда, кўرғазмаларда ва бошқа маданий-маърифий масканларда шахсий қизиқиш ва интилишлари бўйича маърузалар эшитиш, кинофильмлар кўриш, китоблар ўқиш, турли тўғарақларда, “иш-ўйин”ларда иштирок этиш каби усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тил таълимини тегишли техник воситалар, кўрғазмали қуроқлар ва янги талабалар даражасидаги ўқув адабиётлари ҳамда ахборот билан таъминлаш орқали янада жадаллаштириш ва унинг сифатини ва самарадорлигини оширишга эришиш кўзланмоқда. Бугунги кунда кўпчилик ўқув юртларида махсус компьютер синфлари, турли тоифадаги тил ўрганиш воситалари ва улар учун мослаштириб ишланган махсус ўқув дастурлари қўлланилмоқда.

Тил ўргатишга оид ўқув дастурлари, дарслиқлар ва қўлланмалар, илғор ва замонавий педагогика талаблари даражасида қайта тайёрланмоқда, уларнинг энг яхшиларини махсус танловлар асосида яратиш тадбирлари кўрилмоқда.

Тил таълимини гуманизациялашни таълим тизими ва умуман жамиятни инсонпарпарлаштириш жараёнларига оид тадбирлар ва маълумотлар билан чамбарчас боғлаб олиб боришга, таълимнинг янги, миллий дастурида алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамизнинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ва умуман тизимимизда амалга оширилиши назарда тутилаётган ва айри ҳолларда муваффақиятли бажарилаётган бундай тадбирлар, оқибат-натигада, ҳам юқори малакали ва ўз касбининг моҳир устаси бўлган етук мутахассисни ва айни вақтда, юксак маданиятли, маънавиятли, ҳар томонлама баркамол инсонни шакллантириш ва тарбиялаб етиштиришни таъмин этади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шун айтиш мумкинки, бизнинг мамлакатимизда жамият тараққиётини жадаллаштириш ва янги, юксак босқичга кўтариш ишларини зарур маданий-маънавий ва маърифий тадбирлар билан қўшиб олиб боришдан иборат ўзига хос, миллий тараққиёт усулимизнинг устувор белгиларидан ёрқин ва диққатга сазовор бир манзара сифатида гавдаланади. Агар шу манзарани амалда яратиш, ҳаётга татбиқ қилиш насиб этса, унда шубҳасиз, бизнинг мамлакатимизда жамият тараққиётини ғарб цивилизацияси йўлидан фарқли ўлароқ, бошқа йўлдан ривожлантириб, ҳар томонлама – ҳам маънавий-ахлоқий, ҳам жисмоний жиҳатдан юксак ва баркамол инсонлар жамияти даражасига кўтариш мумкин бўлади. Бу ишда таълимнинг миллий дастури ва унда бўлажак мутахассисларнинг касб малакасини оширишга, шу билан бирга тилларни ўрганишга ҳамда маънавий-ахлоқий камолотига алоҳида аҳамият берилаётганлигининг сабаби ҳам ана шундадир.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида фармони. Тошкент, Ўзбекистон, 2017, 248-бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни омдалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги Қарори. –Т.: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 2021 й. 20-май.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият 2008 й.Б-218
4. Кайкавус.Қобуснома.-Т.: Ўқитувчи.2011 й.
5. Ўзбекистон Президентининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги фармони, -Т.:Ўзбекистон.2017 й. Б-164.
6. Гальскова Н.Д. Теория обучения иностранным языкам: Лингводидактика и методика. - Москва, Просвещение, 2004 г.С-175.
7. Сабирова Ч. Педагогик фанларни ўқитишда талабаларни ахлоқий – эстетик тарбиялаш (Методик тавсиялар) – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2018. - Б. 54.
8. Поль С. Брэгг, “Нервная сила”, Ташкент. “Фан”. 1994,5-6 бет.
9. Худойқулов Х.Ж.Комиллик фазилатлари. -Т.:Иновация-Зиё,2021й.Б.248
10. Худойқулов Х.Ж.Толибнома. -Т.: Иновация-Зиё, 2020 й.Б-322.
11. Худойқулов Х.Ж.Педагогика.Ўқув кўл -Т.: Иновация-Зиё, 2020 й.Б-280.
12. Сабирова Ч. Бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш тамойиллари, омиллари ва шартлари. “Халқ таълими” журнали №1. – Тошкент. 2012. Б. 80-82.
13. Сабирова Ч. Тарихий хотира талабаларда ахлоқий – эстетик тарбияни шакллантиришнинг асосий омили сифатида. “ЎЗМУ хабарлари” журнали №3. – Тошкент. 2017. Б. 228 – 230.
14. Сабирова Ч., Ходжаниязов С.У. Эстетические воззрения мыслителей Востока как методологическая основа эстетического воспитания молодежи. “Вестник” журнал №2. Каракалпакского отделения Академии Наук Республики Узбекистан. – Нукус. 2009. С-42.
15. <https://president.uz/uz/>; www.lex.uz;
16. <http://coolreferat.com/>;
17. https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_colier/1968/гугенберг;
18. <https://cyberleninka.ru>;
19. <http://sssr.regnews.org/doc/qq/sg.htm>;
20. <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-kommunikativnyh-sposobnostey>.
21. <http://nauka-pedagogika.com/viewer/138709/a?#?page=30>